



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов 29 июль
куни Оқсаройда «Isuzu Motors Ltd.»
компанияси раиси Ёсуми Хосони
қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Япония ўртасида турли соҳаларда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлади. Япониянинг юқори технологияли етакчи компаниялари билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатлари изчил кенгайиб бормоқда.

Тошкентда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва «Isuzu Motors Ltd.» ўртасида Япониянинг ушбу компанияси «СамАвто» масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари таркибига кириши тўғрисида битим имзоланди.

Мазкур битим «Ўзавтосаноат» ва «Isuzu Motors Ltd.» компаниялари ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорликнинг мантикий давомидир.

Томонлар «СамАвто» масъулияти чекланган жамиятини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш, ишлаб чиқарилаётган машиналар турини янгилаш ва кўпайтириш, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш, Япониянинг илғор ишлаб чиқариш технологияларини янада кенг жорий этишга келишиб олди.

«Ўзавтосаноат» ва «Isuzu Motors Ltd.» ўртасидаги ҳамкорлик 2007 йилда йўлга қўйилган. Япониянинг мазкур компанияси ўша йили «СамАвто» масъулияти чекланган жамиятининг технология шерики сифатида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автобуслар, ўрта оғирликдаги юк машиналари ва бошқа техникалар учун шасси ва двигателлар етказиб беришни бошлади. Ўтган вақт давомида «Isuzu Motors Ltd.» агрегатлари базасида 10,2 минг автобус ва 11,5 минг юк машиналари, жумладан, 2014 йилда 1,2 минг автобус ва 2,6 минг юк машинаси ишлаб чиқарилди. Табиий газда ишлайдиган юк машиналарининг янги моделларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим босқичини ташкил этди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истикболлари ва ўзаро манфаатли бошқа масалалар муҳокама этилди.

(ЎЗА)

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Пойтахтимизда 29 июль куни
«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси
билан Япониянинг «Isuzu Motors Ltd.»
компанияси ўртасида «Самарқанд
автомобиль заводи» масъулияти чекланган
жамияти («СамАвто» МЧЖ) устав
капиталидаги 8 фонз улушини сотиб олиш
тўғрисида битим имзоланди.**

Мазкур битим «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси билан Япониянинг «Isuzu Motors Ltd.» компанияси ўртасидаги узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мантикий давоми бўлди. Шу муносабат билан ўтказилган музокарада томонлар Самарқанд автомобиль заводи фаолиятини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясига оид келишувга эришди. Бунга асосан моделлар турларини янгилаш ва кенгайтириш, маҳаллийлаштириш жараёнини фаоллаштириш, Япониянинг илғор технологиялари ва ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда автомобилсозлик саноатини жадал тараққий эттириш, мазкур йўналишда миллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган истикболли лойиҳалар юксак самаралар бермоқда. Бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган енгил ва юк автомобиллари, автобусларга хорижий давлатларда ҳам талаб катта.

(Давоми 2-бетда)

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



**Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги
арафасида гўзал пойтахтимизнинг ҳар
бир гўшасида амалга оширилаётган
бунёдкорлик, ободонлаштириш
ишларини кўриб, қалбимиз фахр ва
ифтихорга тўлмоқда.**

Хусусан, Миробод туманида ҳам ушбу қутлуғ санага қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Туман аҳолиси кўчалар, уйлар, мактаблар, корхона ва ташкилотлар ён-атрофининг тозаллиги, ободонлаштириш ишларида катта эътибор қаратмоқда. Албатта бу ишларнинг бари туман кўрмига кўрк қўшмоқда.

Айтиш жоизки, амалга оширилаётган ислохотларнинг пироварди мақсади фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг фаровонлигини янада оширишга қаратилгандир.

Пойтахтимизнинг марказий тумани ҳисобланмиш Миробод тумани 1929 йилда ташкил топган, ҳудуди 17,13 квадрат километр майдонни эгаллаган. Туманда 39 та маҳалла мавжуд бўлиб, турли миллат вакилларида иборат аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг саломатлиги, маданий ҳордиқ чиқариши йўлида 2 та миллий марказ, 2 та театр, 4 та музей, битта маданият ва истироҳат боғи, 3 та мусика ва санъат мактаби, 51 та спорт заллари хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Н.Умаров ва бошқалар ўтаётган ҳар кунимиз бизни энг улуг ва энг азиз айём — Мустақиллик кўнига тобора яқинлаштираётгани, Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 17 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори байрамни муносиб кўтиб олиш ва уни тантанали нишонлашда дастуруламал бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Шу кунларда мазкур қарор кенг жамоатчилик, жумладан, сиёсий партиялар вакиллари томонидан чуқур ўрганилиб, унинг ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш,



МИРОБОД ТУМАНИ: ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА



Иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида туман иқтисодиётида барқарор ўсишга эришилган. Натижада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,8, ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 112,6, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмининг 107,8, асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг 109,3, пудрат қурилиш ишлари ҳажмининг 107,6, чакана савдо айланмасининг 116,0, жами хизматлар ҳажмининг 114,2, пуллик хизмат ҳажмининг 109,8 фоизга ўсишига эришилди. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра туманда 270 та кичик бизнес субъект-

лари, шунингдек, 33 та хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар рўйхатдан ўтган. Республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётимизга қўшаётган ҳиссаси ошаётгани уларга яратилаётган кўплаб имкониятлар натижаси эканлигини таъкидлаш жоиз. Туманда 3858 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида фаолият юритмоқда. Бундан ташқари 485 та чет эл капитали иштирокидаги қўшма корхоналар ҳам фаолият юритаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кичик бизнес субъектларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини қайта тиклашга қўмаклашиш натижасида янги иш ўринларини яратиш борасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида дастур доирасида 3552 та иш ўринлари яратилган.

(Миробод туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз).

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Мустақиллик байрамини юқори савияда нишонлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Истиқлол шарофати билан тарихан қисқа даврда Ўзбекистон иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланиб, мамлакатимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти ҳар жиҳатдан юксалиб бораётди. Буни ижтимоий соҳалар, хусусан, тиббиётдаги ютуқларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида сўнгги 5 йилда 1 миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорда соғлом ва барқарор йўлга қўйилган. Шу нўқтаи назардан ушбу соҳадаги ислохотларнинг аҳамияти, ташкилий-ҳуқуқий асосларининг мазмун-моҳиятини фуқароларга ҳолис, теран ва самарали етказиш депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг барча тузилмалари, фаоллари ҳамда аъзолари байрамни кенг нишонлашда фаол иштирок этади. Қўшма йиғилишда мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг кадр-қиммати, ўтган даврда босиб ўтилган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўл, қўлга киритган кенг кўламли ютуқларимиз тўб моҳиятини ёшларга етказишда таъсирчан услуб ва воситалардан фойдаланиш юзасидан мулоҳазалар билдирилди. Ана шу мавзуларда даврда суҳбатлари, маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар, илмий-амалий конференциялар ўтказиш мақсадаги мувофиқ эканлиги қайд этилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Янги корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 октябрдаги «Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида замонавий тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Нидерландиянинг «LT Textile Cooperatief U.A» компанияси томонидан барпо этилмоқда.

• Наманган шаҳрининг Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан фахрийлар ўртасида «Кексалик завқи» деб номланган спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Наманган шаҳар ҳокимлиги, шаҳар маданият ва спорт ишлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси шаҳар

бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 16 маҳалладан 60 дан зиёд фахрийлар шахмат ва пиёда юриш бўйича ўзаро баҳслашди.

• «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» республика танловининг Тошкент вилояти фазойи бўлиб ўтди. Танлов доирасида қатнашчилар учун уч кунлик ўқув-семинар ташкил этилиб, турли йўналишларда машғулотлар, тажрибали тадбиркорлар иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди.



• «Terrafugia» компанияси автомобиль йўлларида ҳаракатлана оладиган, ҳам ҳавога кўтарилиб, уча оладиган TF-X гибрид транспорт воситасининг янги ди-

зайни концепциясини намоиш этди. TF-X гибрид ерда ҳаракатланаётганда, шунингдек, ҳавога кўтарилиш керак бўлганида аккумуляторлардан куч оладиган электр моторлар ишлаб туради. Парвоз вақтида эса 300 от кучига эга ички ёнғун двигателлари ишга тушади. TF-X ҳавода тезликни соатига 320 километргача ошира олади, автомобиль 800 километргача тўхтовсиз парвоз қилиши мумкин.

• Буюк Британия парламентининг лордлар палатаси аъзоси Жон Сьюэлл наркотиклар истеъмол қилиш айблови туфайли ўз ваколатини топширди. Лорд Сьюэллнинг вакили сўзларига кўра, унга қаратилган айбловлар Лондон полицияси томонидан кўриб чиқилади.



- Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрамини муносиб нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда Нукусда «Бахт уйи»нинг янги биноси фойдаланишга топширилди.
- Қашқадарё вилояти Қарши туманида замонавий тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий корхона қурилиши бошланди.

24
O'ZBEKISTON

МИРОБОД ТУМАНИ: ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА



Ёшлар — келажакимиз

МУСТАҚИЛ ЮРТНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДЛАРИ

Юртимизда келажакимиз давомчилари бўлган ёшларнинг билимли, маънан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим масканларида капитал таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши, замонавий шарт-шароитлар яратилиши албатта ёш авлод келажак пойдеворининг мустахкам бўлишига замин ҳозирламоқда. Тумандаги 218-умумтаълим мактаби фидойиларининг янги ўқув йили олдида кўли-қўлига тегмаётган, улар ўқувчиларни янги-янги режалар билан қўлиб олиш ҳаракатидалар. Жорий йилда 1270 нафар-га яқин ўқувчи таълим оладиган ушбу мактабда капитал-

таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу ишларга 1 миллиард 200 миллион пул ажратилиб, «GREAT PROGRESS TRADE» МЧЖ томонидан капитал таъмирдан чиқарилди.

— Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ўсиб келётган ёш авлод таълим-тарбияси устувор вазифалар қаторидан ўрин олди, — дейди мактаб директори Мавжуда Урунбаева. — Олиб борилаётган савий-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бераётгани қувонарли ҳол. Ўғил-

қизларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари бу каби эътиборнинг самараси дея эътироф этиш мумкин. Мактабимиз ўқувчиларининг янада билимли, маънан етук бўлишлари йўлида тинмай ҳаракат қилмоқдамиз. Янги ўқув йилига муносиб соғва сифатида мактабимиз янги-янги қурилишга эга бўлди. Мактабнинг иссиқлик тизими, ёриткичлари, фасад, том, пол қисми, спорт зал, ошхона тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Жихозлаш ишларига навбат етди. Синфхоналар янги ўқув йили учун ҳозирланмоқда. Бу ўқув йилида 9-синфни 1167 нафар ўқувчи тамомлади. Жорий йил 150 нафар биринчи синфга ўқувчилар қабул қилиниши режалаштирилган. Бугунги кунда 70 нафар ўқувчи-мураббийлар ўқувчиларга таълим бериб келмоқда.

Таълим даргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросига ҳам катта эътибор берилмоқда. Мактабда таълим бераётган чет тиллар бўйича ўқувчилар махсус малака ошириш курсларида малака ошириб келаятганлари фикримиз далилидир.

Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур янгиланишлар намунаси ва фаол иштирокчиси сифатида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларининг узвий ифодасига айланган ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг нуфузи ҳам тобора ортиб бормоқда.

Маҳалла МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ

Маҳалла — халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминловчи, бирдамлик, ҳамжихатлик ва хайру саховат сингари инсоний фазилатларни ўзида мужассам этади. Миллий қадриятларимизни улуғлайдиган ушбу маскан қадрдон уйимиз ҳисобланади.

Биз йўл олган «Толариқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳовлиси кўламазорлаштирилган кўнглиларни хушнуд этди. Маҳалла ҳудудига 35 та кўп қаватли уйлар бирин-кетин жойлашган бўлиб, кўча ва йўлакларнинг тоза ва озодлиги, асосийси аҳолининг барчаси ўзаро аҳил-лиқда истиқомат қилаётгани ватан ичра кичик ватанинг ободлигидан дарак беради.

— Маҳаллага нурли маскан дея бежиз таъриф берилмайдиган, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Холмидова. — Маҳалламизда 90 ёшдан 105 ёшгача бўлган кексаларимиз 3 нафарни ташкил қилади. Уларнинг ҳолидан хабар олиш, кўнглиларини кўтаришни қанда қилмаслик одат тусига айланган. Аҳолининг умумий сони 3647 нафар. Маҳалла ҳудудига битта мактабгача таълим муассасаси жамми болажонларнинг севимили масканига айланган. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, озиқ-овқат дўконлари, ХУЖМШлар аҳоли турмушининг фаровон бўлишига беҳимнат хизмат қилиб келмоқда.

Худудда ободонлаштириш ишларига алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Маҳалла ҳудудига мавжуд 4 та болалар майдончаси яқинда яна биттага кўпайди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан баркамол авлод вақиллари учун бу хайрли иш амалга оширилди.

«Толариқ» маҳалла фуқаролар йиғинида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида ҳам турли тадбирлар ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Ёшларнинг келгуси ҳаётларида катта аҳамиятга эга суҳбатлар ўтказиб келинади. Вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ўтказилаётган давра суҳбатлари ижобий натижалар бермоқда.

Яқинда маҳаллада жойлашган кўп қаватли уйлардаги мавжуд махсус чиқинди ташлаш жойини туман ҳокими-нинг таъбири билан маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига айлантирилди. Аёллар ва эркеклар саргарошонаси, телефон ва техник аппаратлар тузатиш ус-тахонаси фаолият юритмоқда. Келгусида қандалат маҳсулотларини сотиш йўлга қўйиш кўзда тутилган.

БЎШ ВАҚТЛАРИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Бугунги кунда республикамизда ўқувчи-ёшларга турли касб-хўна сирларини ўргатиш, уларни ҳаётга тайёрлаш ва қизиқишларига кўра мактабда олган билимларини ривожлантириш, амалиётда мустақамлаш мақсадида «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолият юритмоқда.

Миробод тумани «Баркамол авлод» болалар маркази ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги бирода барча шарт-шароитлар яратилган ҳолда фаолият юритаётган марказнинг ютуқлари қўлига қарамай, келгусидаги режалари ҳам катта. Ёш мавсумида ҳам марказнинг бир қатор тўғрақлар соғломлаштириш оромгоҳларида ташкил қилиниб, болажонларнинг билим ва кўникмаларининг ошишига хизмат қилиб келмоқда. Болалар билан машғулотлар тўғрақ раҳбарлари томонидан қизиқарли тарзда олиб борилаётган бўлса, марказнинг услубчилари эса амалий ёрдам кўрсатмоқда. Ўғил-қизлар томонидан қизиқарли кундан-кунга ортаётганини ҳисобга олиб марказ базасини мустақамлаштириш йўлга қўйилмоқда. Ана шундай режадаги ишлардан бири дея «Пазандачилик» йўналиши бўйича хонанинг печь ва музлаткич билан жиҳозлаш кўзда тутилганини айтиш

мумкин. Бундан ташқари «Бичиш-тиқиш» йўналишида 5 та тикув машинаси ва 1 та оверлок олиш режалаштирилган. Инглиз тили хонасининг видеопроектор билан жиҳозлашни тил ўрганиш-га қизиқарли ўқувчиларга қўл келиши аниқ. «Қўлдоқчилик» йўналишида тўғрақ раҳбари Ўзбекистон халқ устаси Наби Қодиров болаларга қўлдоқчилик сир-асорларини ўргатиб келмоқда.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан бири ёшларнинг жамиятимизда фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавият, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта эгаллаган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилгандир, — дейди туман «Баркамол авлод» болалар маркази директори Комил Улугов. — Ёш авлод жамиятимизнинг асосий бўғини бўлиб, уларни тарбиялаш ва касб-хўнага йўналтириш, энг муҳими уларнинг бўш вақтини самарали меҳнатга сарф этиш мактабдан ташқари таълимнинг усту-

вор вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли юртимизда ўсиб келатган ёш авлоднинг мактабдан ташқари шарт-шароитлари ҳам билим олишлари ва хўна ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Энг фаол, иқтидорли тўғрақ аъзолари туман ва шаҳар миқёсидаги қўриқ-танловларда ўз истеъодларини намойён этиб, эътирофга сазовор бўлишаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда марказда фаолият олиб бораётган тўғрақлар сони 29 та бўлиб, тўғрақларга қараб олинган ўқувчилар сони 500 дан зиёдин ташкил этади. «Майда пластика», «Тўқиш», «Бичиш-тиқиш», «Мунчоқли безак», «Инглиз тили», «Фольклор-ракс», «Фольклор-вокал», «Доира», «Ёш мусаввир», «Ёш журналист ва нотик» тўғрақларига ўқувчилар катта қизиқиш билан қатнашмоқдалар. Шунингдек, туман мактаблари билан ижодий ҳамкорлик шартномаси имзоланиб, таълим масканларида ҳам турли йўналишларда тўғрақлар ташкил этилган.

Фаолият юритаётганига тўрт йил бўлганига қарамай марказнинг қўлга киритган ютуқлари талайгина. Авиа-модель бўйича республикада ўтказилган мусобақаларда ўқувчилар фахрли ўринларни қўлга киритаётганини айтиб ўтиш жоиз. Биз келгусида бу каби ютуқларнинг сони янада ортишига тил-лақдошимиз.

Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам тур ўзгаришлар амалга оширилди. Ҳар бир оилада, айниқса, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва шакллантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигига катта эътибор қаратилмоқда.

Саломатлик

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Тумандаги Тошкент шаҳар 4-сонли туғруқ мажмуасининг жонқуяр ходимлари ҳам она ва боланинг саломатлигини сақлаш ва уларга намунали тиббий хизмат кўрсатишда барча имкониятларини ишга солиб келмоқдалар. Дунёга келган янги чақалоқ ота-онанинг қувончига-қувонч қўшаётганини кўриш нақадар ҳаяжонли дақиқа. Мазкур мажмуа ходимлари ҳам бундай қувончли дамларни кўплаб ота-оналарга ҳада этиб келмоқда.

— Мамлакатимизда фарзандларимизнинг соғлом туғилиши, баркамол бўлиб вояга етиши, оналар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар 4-сонли туғруқ мажмуасининг даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Севар Файзиева. — Мажмуа 1954 йили ташкил этилган бўлиб, 79 та ўринга эга. Шифокорларнинг

аксарияти олий тоифали шифокорлар, доцент ва номзодлар эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жонқуяр ходимларимиз режалари ва тезкор равишда беморларга акушер-гинеколог ёрдамларини кўрсата олади. Она ва бола саломатлигини даволаш бўлишимиз учун оилавий поликлиникалар билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Бир сўз билан айтганда бўлажақ онанинг саломатлиги, соғлом боланинг дунёга келиши учун барча савий-ҳаракатимизни сарфлаймиз.

Бугунги кунда мажмуада УТТ, лабораторияда ҳам биокимёвий, ҳам клиник таҳлилларни ўтказиш учун керакли аппаратлар мавжуд. Бундан ташқари ҳар бир туғруқ залларимиз янги туғилган чақалоқлар учун мослаштирилган иситиш ва мониторинг аппаратурага эга. Амалга оширилаётган ишларимизнинг асоси миллатимизнинг соғлом вақиллар дунёга келиши, оналарнинг саломатлигини асрашга қаратилган.

Саҳифа материалларини Зиёда РАСУЛОВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси билан Япониянинг «Isuzu Motors Ltd.» компанияси ўртасидаги ҳамкорликка 2007 йилда асос солинган. Ушбу ҳамкорлиқнинг муҳим босқичи сифатида Самарқанд автомобиль заводида табиий газда ҳаракатланувчи янги турдаги юк автомобиллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилганини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу дунё миқёсида табиий газни автомобиль ёқилғиси сифатида ишлатиш тенденцияси тобора кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз автосаноатининг замон билан ҳамқадам тараққий этаётганидан далолатдир.

— «Isuzu Motors Ltd.» компаниясининг Самарқанд автомобиль заводи акциядорлигига қўшилиши «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси билан ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқди, — деди «Isuzu Motors Ltd.» компаниясининг ижрочи вице-президенти ва директори Таканобу Фурута. — Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсат натижасида мамлакатингизда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга қаратилган қулай сармоявий муҳит яратилган. Юртимизда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш тизимини изчил ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар иқтисодиётнинг турли соҳаларида замонавий юк автомобиллари талаб катта эканини кўрсатмоқда. Биз учун улкан иқтисодий салоҳиятга эга бозорларга сармоя киритиш муҳим аҳамиятга эга. Минтақада стратегик аҳамият касб этувчи Ўзбекистон «Isuzu Motors Ltd.» учун муҳим ва ишончли ҳамкор ҳисобланади. Ўзаро ҳамкорлигимиз мустахкам асосга эга. Улкан салоҳиятга эга Ўзбекистон барқарор ва изчил ривожланиш йўлидан дадил бормоқда. Ҳамкорлигимизнинг янги босқичига ўтганимиздан гоят мамнунмиз.

Имзоланган ҳужжат ўзаро ҳамкорлиқнинг янада мустахкамланишига, мамлакатимиз автомобилсозлик саноатининг бундан-да раванқ топишига хизмат қилади.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

РЕЖАЛИ ИШЛАР КЎЛАМИ

Пойтахтимизда Суд департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси ва Давлат солиқ бошқармаси ҳамкорлигида Юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз вақтида тўланмаган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни суд ҳужжатлари асосида ундирилиши юзасидан семинар бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳар солиқ органлари ва Суд ижрочилари департаментининг масъул ходимлари иштирок этишди. Тадбирда 2015 йилнинг биринчи ярим йиллик сарҳисоби ва иккинчи ярим йилликда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳамда амалиётда учраётган муаммолар ва уларнинг ечими муҳокама қилинди.

Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва давлат солиқ бошқармаси ҳамкорлигида ўз вақтида тўланмаган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни суд ижро ҳужжатлари асосида ундирилиши юзасидан жойларда мунтазам семинар ва йиғилишлар ўтказиб борилаётган. Ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижасида суд ижро ҳужжатлари асосида ундирилган маблағ ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб икки ҳисса ошишига эришилди.

— Суд департаменти билан ҳамкорликда иш олиб борилаётганини жуда яхши самара бермоқда, — дейди Тошкент шаҳар Солиқ бошқармаси солиқ бўйича қарзларни мажбурий ундириш бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Ражабов. — Биргина мисол, жорий йилнинг ўтган даврида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни суд ижро ҳужжатлари асосида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулки ҳисобидан қопланган қисми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб беш баробар кўпдир.

Семинарда келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Абдували СОДИКОВ

